

**«Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1. Мазкур низом «Ўзагролизинг» акциядорлик жамияти (кейинги ўринларда- **Жамият**) фаолиятида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш, коррупциявий хавф-хатарлар харитасини шакллантириш ва хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича йўл харитасини ишлаб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолашнинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

– Жамият фаолиятидаги коррупция хавфига энг мойил бошқарув жараёнларини аниқлаш;

– жараёнларда коррупция хавфини балл тизими асосида объектив ва ўлчанадиган тарзда баҳолаш;

– реал коррупция ҳолатини акс эттирувчи амалий далиллар ва шубҳали ҳолатларни аниқлаш;

– баҳолаш натижалари асосида коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ишлаб чиқиш;

– аниқланган хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича мақсадли чоратадбирларни белгиловчи йўл харитасини тузиш.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

коррупциявий хавф-хатар — шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли;

коррупциявий хавф-хатарлар харитаси – баҳолаш натижалари асосида шакллантириладиган, жараёнлар кесимида хавф-хатар даражаларини тавсифловчи ҳужжат;

коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик — коррупция аломатларига эга бўлган, содир этилганлиги учун қонунчиликда жавобгарлик назарда тутилган қилмиш;

коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш — Жамият фаолиятини (вазифа ва функцияларини) таҳлил қилиш, мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш бўйича фаолият;

қолдиқ хавф-хатар — аниқланган коррупциявий хавф-хатарни бартараф этиш юзасидан белгиланган чорадан кейин сақланиб қоладиган хавф-хатар;

жараён – Жамият фаолиятида мустақил бошқарув объекти сифатида ажратилган, бошқарув қарорлари қабул қилинадиган, аниқ натижа берувчи, ходим иштирокини тақозо этувчи такрорланувчи фаолият тури (*масалан, лавозимга тайинлаш, лицензия, рухсатнома, субсидия бериш*);

амалий мезонлар – жараёнда реал коррупция ҳолатини акс эттирувчи кузатиладиган далиллар асосидаги индикаторлар (жавобгарлик, шикоятлар, шубҳали ҳолатлар);

ҳуқуқий-формал мезонлар – жараёни тартибга солувчи механизмлар (дискрецион ваколат, шаффофлик, манфаатлар тўқнашуви, назорат) даражасини баҳоловчи индикаторлар;

шубҳали ҳолатлар (Red Flags) – расмий қоида бузилиши аниқланмасада, тушунтириш беришни талаб қилувчи нормал кўрсаткичлардан статистик жиҳатдан кескин оғиш;

йўл харитаси — аниқланган хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича аниқ муддатлар, масъуллар ва натижа кўрсаткичлари белгиланган чоратадбирлар режаси;

махсус бўлинма — Жамиятдаги коррупцияга қарши ички назорат тузилма;

ишчи гуруҳ –Жамиятда коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш учун тузиладиган ходимлар таркиби.

4. Жамият томонидан коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ҳар йили 1 мартга қадар амалга оширилади.

5. Навбатдан ташқари баҳолаш қуйидаги ҳолларда ўтказилади:

Жамият функциялари ёки тузилмасида аҳамиятли ўзгаришлар рўй берганда;

тегишли жараёнга оид тизимли шикоятлар, жиноятчилик ошиши кузатилганда;

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг (бундан буён матнда Агентлик деб юритилади) асосланган кўрсатмасига биноан.

2-боб. Баҳолашни ташкил этиш

6. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади. Ишчи гуруҳ таркибига Жамият масъул таркибий бўлинмаларининг раҳбар ходимлари киритилади.

7. Ишчи гуруҳ таркиби Жамият Бошқарув раиси томонидан тасдиқланади.

Агентликнинг тақдимномасига асосан ишчи гуруҳ таркибига Агентлик ходимлари киритилиши мумкин.

8. Баҳоланаётган жараёнга масъул таркибий (худудуий) бўлинмалар ишчи гуруҳга қуйидаги маълумот ва имкониятларни таъминлайди:

сўралган ҳужжатлар ва маълумотларни 5 иш куни ичида тўлиқ тақдим этиш;

сўнгги 3 йилдаги молиявий операциялар, харид шартномалари ва тендер натижалари базасига кириш;

жавобгар ходимлар билан суҳбат ўтказиш;

жараёнлар рақамли тизимлари (логлар, электрон архив)га кириш имконияти.

9. Таркибий (худудий) бўлинмалар фаолиятига тўсқинлик қилиши, маълумот тақдим этишни кечиктириши ёки ишчи гуруҳ хулосаларига таъсир ўтказишга уриниши ҳолатлари ҳақида ишчи гуруҳ раҳбари томонидан Жамият Бошқарув раиси ва Агентликка зудлик билан хабар қилинади.

10. Баҳолашда қуйидаги ички манбалар таҳлил қилинади:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички буйруқлар;

сўнгги 3 йилдаги аудит хулосалари ва уларга берилган жавоблар;

одоб-ахлоқ комиссияси мажлис баённомалари;

тендер ва харид архивлари, шартнома базаси;

кадрлар тарихи ва ходимларнинг эҳтимолий манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги декларациялари.

11. Баҳолашда қуйидаги ташқи манбалар таҳлил қилинади:

сўнгги 3 йилдаги жиноий ва маъмурий жавобгарлик статистикаси;

прокуратура, суд, Агентлик маълумотлари;

фуқаролар ва тадбиркорлардан тушган шикоятлар таҳлили;

ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллар.

3-боб. Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш тартиби

12. Баҳолашдан олдин ишчи гуруҳ Жамиятдаги юқори коррупциявий хавфли жараёнларни аниқлайди.

13. Юқори коррупциявий хавфли жараёнларни аниқлашда қуйидаги манбалар таҳлил қилинади:

статистик материаллар: сўнгги 3 йилда жараёнга оид коррупциявий жиноятлар, аҳолининг энг кўп шикоят қилган, ижтимоий тармоқларда танқидий материаллар чиққан жараёнлар;

шубҳали ҳолатлар (Red Flags): тендерларда бир иштирокчининг мунтазам ғолиб бўлиши, харид суммасининг тендер чегараси остида қолиши, жараёнга масъул лавозимда тез-тез ходим алмашилиши ва бошқа шубҳали ҳолатлар.

14. Дастлабки таҳлил натижасида ишчи гуруҳ баҳолашга киритиладиган юқори коррупциявий хавфли жараёнларни аниқлайди.

15. Ҳар бир танланган жараён мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ 100 баллик мезонлар тизими асосида баҳоланади.

16. Умумий балл асосида жараённинг коррупциявий хавф даражаси аниқланади:

100–85 балл: қабул қилинадиган хавф;

84-70 балл: ўрта хавф;

69-40 балл: юқори хавф;

39–0 балл: критик хавф.

17. Ишчи гуруҳ ҳар бир баҳоланган жараён бўйича қуйидагиларни ўз ичига олган ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ баҳолаш варақасини тўлдиради:

жараён номи ва жавобгар бўлинма;

7 та индикатор бўйича олинган баллар;

умумий балл ва хавф даражаси;

аниқланган шубҳали ҳолатлар рўйхати;

балл асослари: ҳар бир суб-индикатор бўйича кузатилган факт ва далил.

18. Барча жараёнлар бўйича якуний баҳолаш якунланганидан сўнг ишчи гуруҳ коррупциявий хавф-хатарлар харитасини ва йўл харитасини шакллантиради.

4-боб. Коррупциявий хавф-хатарлар харитасини шакллантириш ва ижросини назорат қилиш

19. Коррупциявий хавф-хатарлар харитаси мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шаклда тузилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

баҳоланган жараёнлар рейтинги — балл бўйича камайиш тартибида; ҳар бир жараён учун коррупциявий хавф даражаси ва асосий сабаблар тавсифи;

аниқланган шубҳали ҳолатлар (Red Flags) умумлашмаси.

20. Ишчи гуруҳ томонидан тузилган коррупциявий хавф-хатарлар харитаси Жамият Бошқарув раиси томонидан тасдиқланади.

21. Жамият Бошқарув раиси харита лойиҳасига эътирозлар билдириши мумкин. Ишчи гуруҳ эътирозларни 3 иш куни ичида қўриб чиқади ва ёзма хулоса беради.

22. Тасдиқланган “E-anticor.uz” электрон платформасига ҳар йили 1 мартга қадар киритилади.

23. Коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича йўл харитаси мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда тузилади.

24. Йўл харитаси ҳар бир баҳоланган жараён учун алоҳида чора-тадбирларни ўз ичига олади. Ҳар бир чора-тадбир учун қуйидагилар белгиланади:

чора-тадбирнинг конкрет ва ўлчанадиган мазмуни;

бажарилиш муддати (кун аниқлигида);

масъул бўлинма ва ижрочи;

бажарилганлигини тасдиқловчи натижа кўрсаткичи;

чора ижросидан сўнг кутилаётган натижа.

25. Йўл харитасида қуйидаги чора-тадбирлар белгиланади:

норматив-ҳуқуқий ёки ички идоравий ҳужжатлар лойиҳасини ишлаб чиқиш;

жараённи рақамлаштириш ва инсон омилини камайтириш;

коллегиал қарор қабул қилиш тизимини жорий этиш;

жараён шаффофлигини таъминлаш (натижаларни оммага эълон қилиш);

мустақил назорат механизминини кучайтириш;

кадрлар ротациясинини жорий этиш;

профилактик суҳбатлар ва ўқув тадбирларинини ташкил этиш ва бошқалар.

26. Жамиятнинг махсус бўлинмаси йўл харитаси ижросини ҳар чоракда мониторинг қилади ва натижаларни “E-anticor.uz” платформасига киритади.

27. Мониторинг натижалари асосида ҳар чоракда ҳисобот тузилади. Ҳисоботда қуйидагилар акс эттирилади:

режа бўйича бажарилиши лозим бўлган чора-тадбирлар сони;

муддатида бажарилган чора-тадбирлар улуши;

кечиктирилган чора-тадбирлар ва кечиктириш сабаблари;

қолдиқ хавф-хатар даражасидаги ўзгаришлар.

Агентлик ҳар чоракда мониторинг натижаларини кўриб чиқади. Жиддий кечиктиришлар ёки ижро этилмаслик ҳолларида Агентлик масъул шахсларга огоҳлантириш юборади.

28. Йил якуни бўйича йўл хариталари ижроси Агентлик томонидан умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига тақдим этилади.

5-боб. Якуний қоидалар

29. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.